

УДК. 338.432.5

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Жўраев Фаррух Дўстмирзаевич**

и.ф.ф.д. доц., ҚарМИИ доценти

[koinot\\_30@mail.ru](mailto:koinot_30@mail.ru)

**Аралов Ғайрат Мухаммадиевич**

ҚарМИИ мустақил изланувчиси

[aralov\\_gayrat@mail.ru](mailto:aralov_gayrat@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденцияси Республика ҳамда Қашқадарё вилояти кўрсаткичларида қиёсий таҳлил қилинади. Муаллифлар томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, унинг ўсиш тенденциясида деҳқончилик ва чорвачиликнинг улуши, уларнинг ривожланиш тенденциясидаги ўзаро биргаликдаги таъсири, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва уларга вақт омилининг таъсир даражаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда субъектлар улуши динамикаси каби таҳлил белгилари танлаб олинган. Ишлаб чиқаришда субъектлар улуши динамикасида тенденцион ўсиш қонуниятларини аниқлашга хизмат қилувчи аҳамиятли омилли жиҳат мавжудлиги очиб берилади. Шунингдек, мақолада қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасидаги мамлакат ва унинг таркибий минтақаларида турличаликнинг, бу миқдорий тафовутларнинг вужудга келиши тренд қонуниятлари таъсирида эканлиги асосланади.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, статистик таҳлил, эконометрик таҳлил, қишлоқ хўжалик статистикаси, иқтисодий таҳлил.

## STATISTICAL ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT TREND OF AGRICULTURAL PRODUCTION

**Jo'rayev Farrukh Do'stmirzayevich**

Associate professor, Ph.D.,

Karshi Institute of Engineering and Economics

[koinot\\_30@mail.ru](mailto:koinot_30@mail.ru)

**Aralov G'ayrat Mukhammadiyevich**

Researcher,

Karshi Institute of Engineering and Economics

[aralov\\_gayrat@mail.ru](mailto:aralov_gayrat@mail.ru)

### ABSTRACT

*The article in a comparative state analyzes the trends in the development of production in the agro-industrial complex of Uzbekistan, the indicators of the republic and the Kashkadarya region. Analysis indicators, such as the volume of agricultural products produced by the authors, the share of agriculture and livestock in its growth trend, their interrelated influence in the development trend, the growth rate of agricultural production and the degree of influence of time Factor on them, the dynamics of the share of subjects in the production of gross agricultural output is highlighted. In the dynamics of the share of subjects in production, the presence of an important factorial aspect is revealed, which serves to identify patterns of growth trends. Also in the article, he is based on the fact that the emergence of diversity and quantitative differences in the dynamics of changes in land use indicators in agriculture of the country and its structural regions is influenced by trends.*

**Key words:** *agriculture, production, statistical analysis, econometric analysis, agricultural statistics, economic analysis.*

**Кириш.** Мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари аҳоли даромадларини шакллантириш ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Тармоқ ривожининг узок тарихи, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бой тажрибаси, мавжуд иқлимнинг соҳа ривожини таъминлашда устунликни таъминлаши, географик жойлашув кабилар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни истиқболли соҳалардан бири сифатида шакллантириш лозимлигини асослайди. Бошқа томондан қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари ишлаб чиқариш (ҚХМИЧ) жараёни кўп асрлик ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, унга кўпгина омиллар (аҳоли сонининг ўсиши, илм-фан ривожини, техника ва технологияларнинг яратилиши ва ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий воқеъликлар ва бошқалар) таъсирида бугунги кун ҳолатига етиб келган ва соҳани ривожлантириш ўз долзарблигини йўқотмаган. Натижада, мамлакатда ялпи қўшилган қийматнинг 24 фоизига яқини қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги олдида бир қанча асосий муаммолар мавжуд, жумладан:

- Иқлим ўзгариши: Глобал ҳароратнинг ошиши билан қишлоқ хўжалиги ҳарорат, ёғингарчилик ва об-ҳаво шароитларида тупроқ деградациясига, сув танқислигига ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин бўлган ўзгаришларга дуч келмоқда;

- Ер деградацияси: Тупроқ эрозияси, тупроқдаги озуқа моддаларининг камайиши ва ердан фойдаланишнинг ўзгариши ерларнинг деградацияси ва чўлланишига олиб келади, қишлоқ хўжалиги эрларининг ҳосилдорлиги ва унумдорлигини пасайтиради;

- Сув танқислиги: Сувга бўлган талаб ўсишда давом этар экан, қишлоқ хўжалиги сув ресурслари учун рақобатга тобора кўпроқ дуч келмоқда, айниқса сув таъминоти чекланган ҳудудларда;

- Зараркунандалар ва касалликлар: зараркунандалар ва касалликлар экинларга зарар этказиши ва ҳосилни камайтириши, озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солиши ва фермерлар учун иқтисодий йўқотишларга олиб келиши мумкин;

- Бозор тизимидаги чекловлар: Кўпгина ҳудудларда фермерлар ўз маҳсулотларини сотиш ва даромад олиш имкониятлари чекланган. Бозор муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчилик ижросидаги камчиликлар, ишлаб чиқарувчи субъектларининг ички ва халқаро бозор талабларини вақтида ўзлаштирмасликлари, бозорга чиқишдаги инфратузилма, трансформация шароитларининг тўғри шакллантирилмаганлиги ва бошқа омиллар мазкур ҳолатни юзага келишида муҳим ролга эга;

- Ишчи кучи танқислиги: Кўпгина фермерлар ишчи кучи танқислигига дуч келишмоқда, бу эса уларнинг ҳосил етиштириш ва фермер хўжаликларини сақлаш имкониятларини чеклаши мумкин;

- Озиқ-овқат чиқиндилари (маҳсулот исрофи): Озиқ-овқат чиқиндилари қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммо бўлиб, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёнида озиқ-овқатнинг катта миқдори йўқолади ёки исроф қилинади;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ушбу муаммоларни ҳал қилиш тезкор инновацион ечимлар ва мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Жаҳонда бир қатор олимлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни иқтисодий фаоллик механизми ҳаракатини узлуксиз таъминловчи стратегик жиҳатларини ҳисобга олган ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасининг таҳлили ва уларни мамлакатлар ривожланиш стратегиясига киритиш услубиётини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот олиб борган. Жумладан, иқтисодчи олим Г. Чжэнфэй “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг эконометрик таҳлили: янги бошланғич истиқболлар. Агротехника тамойилларини интеграциялаш” асарида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мисолида илғор ҳориж тажрибасидан миллий иқтисодиётда фойдаланиш алгоритминини ишлаб чиқади [1]. Унинг фикрича соҳани ривожлантиришнинг янги полигонида эконометрик тадқиқотлар учун “катта маълумотлар”дан фойдаланиш услубиётига таяниш эрасининг бошланиши кузатилмоқда.

Тадқиқотчи Жоан Гарсиянинг илмий ишларида фосфорнинг механик моделини вақтга боғлиқ бўлган математик моделлаштириш платформасига (COMSOL Multiphysics™) киритилади, у сув-ботқоқ мезокосмоси маълумотлари билан калибрланган. Кейинчалик, умумий фосфорни (ТП) олиб ташлаш самарадорлигини ўрганиш ва самарадорликни ошириш учун ички деворлар ва тўсиқлар, ҳар хил турдаги киришлар, параллел ва кетма-кет ишлаш ва гидравлик ушлаб туриш вақтини кўпайтириш каби қурилган ботқоқли физик элементларнинг турли хусусиятларини баҳолайди [2].

Тадқиқотчи Юлиус Х. Котир томонидан тез ўзгарувчан сув ресурслари тизимида тизимли фикрлаш тушунчасига асосланган динамик моделлар олимлар учун вақт ўтиши билан асосий тизим ўзгарувчиларидаги ўзгаришларни ўрганиш учун фойдали таҳлилий восита бўлиб хизмат қилиши таъкидланади. Унинг илмий ишларида Ғарбий Африкадаги Вольта дарёси ҳавзасининг аҳоли, сув ресурслари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кичик тармоқлари ўртасидаги қайта алоқа жараёнлари ва ўзаро таъсирини ўрганиш учун тизим динамикасини моделлаштириш ёндашувидан фойдаланган ҳолда интеграциялашган тизим динамикаси симуляция модели ишлаб чиқилган [3].

Тадқиқотчи Сун Ченгдуннинг илмий ишларида Хитойда кўп йиллар давомида экологик қишлоқ хўжалигини қуриш амалиёти ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг замонавий экологик қишлоқ хўжалиги базасини қуриш жараёни ва кенг қамровли адабиёт тадқиқотлари билан бирлаштириб, Хитойнинг эко-қишлоқ хўжалигининг ривожланиш жараёнини тизимли равишда таҳлил

қилинган [3]. Шунингдек, тадқиқотчи Моника Гуптанинг илмий асарларида индикатор сифатида адабиётлар ва патентлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-истеъмол тизимларида ушбу ривожланаётган технологиянинг тенденцияларини баҳолашдан иборат. Манбалар ва патентлар орқали олинган маълумотлар унинг улкан салоҳияти ва қишлоқ хўжалиги ПССнинг кичик тармоқлари бўйлаб тез тарқалиш имкониятини ва бозорга тез кириш учун янги маҳсулотни ишлаб чиқиш имконияти ёритилади[4].

Қишлоқ хўжалигида ердан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий-амалий масалалари бир неча соҳавий билимларга таянади. Бунда фақатгина аграр нуқтаий назаридан ёндашиш ҳеч қандай ечимни таклиф этмайди. Аграр соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчи олим Мах Weber нинг фикрича келажакда фақатгина ер ресурсини сифатини яхшилаш, меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш билан натижага эришиб бўлмайди, балки ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интеллектуал технологияларини қўллаш билангина эришиш мумкин бўлади. Недерландиялик тадқиқотчи Жаар Jan Schröder қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда кимё саноатининг роли ортишини таъкидлайди. Тадқиқотчи Dunstan Gabriel Msuya Канада қишлоқ хўжалиги тизими бўйича олиб борган илмий тадқиқотларида экологик муҳитга чидамли навларни яратиш, генетика муҳандислигининг ривожини қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланишини келтиради [5]. Мамлакатимизбир қатор олимларнинг илмий йўналишлари айнан қишлоқ хўжалигини эконометрик тадқиқ этишга йўналтирилган бўлиб, уларга С.С.Ғуломов, Б.Б.Беркинов, С.В.Чепель, Б.Т.Салимов, М.Қ.Пардаев, Р.Эргашев, Т.Шодиев, О.Зокиров, С.Ғафуров, Ў.Умурзоқов, Қ.Ҳасанжонов, А.А.Абсаматов, Н.М.Махмудовларни киритиш мумкин [6].

**Тадқиқот услубиёти.** Тадқиқотчилар таҳлилларида ҚХМИЧнинг Республика ва минтақавий асосий кўрсаткичлари бўйича йигирма йиллик маълумотлар асосида иқтисодий-статистик таҳлил усулидан фойдаланилди. Шунингдек, гипотезаларнинг ўринли эканлигини асослашда математик таққослаш, ривожланиш тенденцияларини баҳолашнинг статистик таҳлил, асосий индикаторларни аниқлашнинг омилли ёндошув, иқтисодий қонуниятларни шарҳлашнинг эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 249,8 трилион сўмни ташкил қилиб олдинги йилга нисбатан 102,8 фоизга ошган. Омилли таҳлил натижаларига кўра Республикада қишлоқ хўжалигидаги ўсишни таъминлашда

деҳқончиликнинг таъсири юқори эканлиги аниқланди. Жумладан, келтириб ўтилган ўсишнинг 1,7 фоизи деҳқончилик ҳиссасига қолган 1,1 фоизи чорвачилик ҳиссасига тўғри келган.

Тадқиқот объекти ҳисобланган Қашқадарё вилоятида 2020 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 23726,8 млрд. сўмни ташкил қилиб 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизга ошган. Минтақада қишлоқ хўжалиги ривожининг ўзига хос бўлган жиҳатларидан бири чорвачиликнинг нисбатан устунликка эгаллиги ҳисобланади. Яъни, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда чорвачиликни улуши 60,5 фоизни ташкил қилмоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалигидаги ўсишни таъминлашда деҳқончиликнинг роли катталигича қолмоқда. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги 3,2 фоиз ўсишни 2,4 фоизи деҳқончилик, 0,8 фоиз эса чорвачилик ҳиссасига тўғри келган. Ушбу натижани таъминланишида соҳалар ўсиш даражалари орасидаги фарқни юқорилиги сабаб бўлган (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал.**

**ҚХМИЧнинг 2000-2020 йиллардаги асосий кўрсаткичлар бўйича  
ривожланиш тенденцияси**

| Худудлар  | Йиллар |        |         |         |          |
|---|--------|--------|---------|---------|----------|
|   | 2000   | 2005   | 2010    | 2015    | 2020     |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (фоизда) |        |        |         |         |          |
| Республикада  | 103,1  | 105,4  | 106,3   | 106,1   | 102,8    |
| Қашқадарё вилоятида   | 89,4   | 109,6  | 107,0   | 106,1   | 103,2    |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)            |        |        |         |         |          |
| Республикада  | 1387,2 | 5978,3 | 30856,7 | 99604,6 | 249754,5 |
| Қашқадарё вилоятида   | 101,5  | 558,3  | 2753,7  | 9089,0  | 23726,8  |
| Вилоят улуши (фоизда)   | 7,3    | 9,3    | 8,9     | 9,1     | 9,5      |

Кейинги даврда Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмини юқори суръатлардаги ўсишга эга бўлиши унинг Республикада маҳсулот етиштиришдаги улушини оширишга сабаб бўлган. Натижада кейинги 20 йилда вилоятнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши 7,3 фоиздан, 9,5 фоизгача ошиши таъминланган.

Бундан ташқари вилоятда қишлоқ хўжалигини таракқиётида унинг таркибий қисмларида ҳам ўзгаришлар кузатилган. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ялпи қишлоқ хўжалигидаги улуши мос равишда

40 ва 60 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга қадар нисбатлар ўзгаришида тескари тенденция кузатилгани ҳолда мос равишда 57 ва 43 фоизни ташкил қилган. Бироқ кейинги 5 йилда эса чорвачилик улушини ошиш таъминлангани ҳолда 2020 йилга келиб нисбат деярли дастлабки даражага қайтгани ҳолда мос равишда 39,5 ҳамда 60,5 фоизни ташкил этган (1-расм).

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учта субъект тоифалари томонидан амалга оширилади. Булар фермер хўжалиги, ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлардир. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуш нуқтаи назарида фермер ва деҳқон хўжаликлари асосий субъектлар ҳисобланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни ривожлантиришда айнан ушбу иккита субъектнинг аҳамият юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда субъектлар улуши динамикасига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз (2-жадвал). 2000-2020 йилларда фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги улуши 5,5 фоиздан 27,8 фоизгача ошган. Бироқ ушбу кўрсаткичнинг вариацион кенглиги 30,8 фоизни ташкил қилади. Бунинг сабаби 2010 йилгача ўсиш тенденцияси таъминлангани ҳолда 2010 йилда максимал қийматига эришиб 36,3 фоизни ташкил қилган. Натижада деҳқон хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг маҳсулот етиштиришдаги улушида мос равишда тескари ҳолат кузатилган.



**1-расм. Қашқадарё вилоятида 2000-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби (фоизда)**

Соҳалар кесимида олиб қараганда деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам худди юқоридаги тенденцияни кузатиш мумкин, бироқ фарқли равишда ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари улуши анча юқори бўлмоқда. 2020 йилга келиб деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб

чиқаришда фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улуши мос равишда 50,1, 44,9 ҳамда 5,0 фоизни ташкил қилганлигини кузатиш мумкин.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзга хос жиҳат мавжуд бўлиб, деҳқон хўжаликлари асосий улушга эга бўлишмоқда. Жумладан, 2000 йилда 89,7 фоиз чорвачилик маҳсулотлари деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2020 йилга келиб 91,4 фоизга етган. Натижада фермер хўжаликлари улуши 1,3 фоиздан 5,1 фоизгача ошган бўлса, қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улуши мос равишда 9 фоиздан 3,5 фоизгача камайган.

Қашқадарё вилоятида ҳам муҳим субъект ҳисобланган фермер хўжаликлари улушини 2010 йилга қадар ўсиши ундан кейинги даврда бироз пасайганлигини кузатиш мумкин. Вилоятнинг ўзига хос хусусияти шундаки япли қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликлари улушини нисбатан юқориликча қолмоқда. Жумладан, Республикада етиштирилган япли қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 68 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, Қашқадарё вилоятида 71,3 фоизни ташкил қилган. Чорвачилик соҳасида мазкур кўрсаткичлар мос равишда 91,4 ва 95,3 фоизга тенг бўлган. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда вилоятда деҳқон хўжаликлари улуши нисбатан пастликча қолмоқда. Республикада 44,1 фоизга тенг бўлгани ҳолда вилоятда 34,7 фоизни ташкил қилади. Орадаги фарқ 9,4 фоизга тенг бўлиб, бу соҳани ривожланганлик даражасини баҳолаш учун етарли даражадаги катта фарқ ҳисобланади. Тадқиқотлар натижаларига кўра Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожланганлиги ҳамда аҳолини соҳа билан шуғулланишда узоқ тарихий тажрибага эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари фикримизча Республика миқёсида ҳам вилоят миқёсида ҳам айнан фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг маҳсулот етиштиришдаги улушини ошириш масаласи ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда долзарб бўлган муаммолардан яна бири бу ишлаб чиқариш омиллари ҳамда ресурслардан самарали фойдаланишдаги паст кўрсаткичлар ҳисобланади. Соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омил сифатида ер қаралишини ҳисобга олган ҳолда Республика ҳамда Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигид ер ресурсларидан фойдаланиш даражасини ўзгаришини 2010-2020 йиллар маълумотлари асосида қараб чиқдик.

Суғориладиган ерлардаги кичик ижобий ўзгаришни ҳисобга олмаганда барча кўрсаткичларда салбий тенденция кузатилган. Жумладан қишлоқ хўжалик



ишлаб чиқарувчилар ихтиёридаги ерлар 19,2 фоизга, ҳайдаладиган ва суғориладиган ерлар 0,5 фоизга қисқариши кузатилган. Натижада экин майдонлари 1,1 фоизга камайган бўлсада ундан фойдаланиш даражаси катта миқдорга пасайган, яъни экин экилган майдонлар 10,7 фоизга қисқарган.


Ушбу ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишни ифодаловчи нисбий кўрсаткичлардаги ўзгаришларни вужудга келтирди (2-расмга қаранг). Яъни, мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар ихтиёридаги ерлашда ҳайдаладиган ерлаш улуши 15,7 фоиздан 19,1 фоизгача ошган, бироқ ушбу ўзгариш таҳлил қилинаётган даврда ўзига хос тебранишларга эга бўлгани ҳолда 2010-2016 йилларда ўсиш суръати анча паст қийматга эга бўлган, 2017 йилда олдинги йилга нисбатан кескин ўсиши кузатилган натижада 19,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда ушбу даврдаги максимал қийматига эришган. Кейинги даврда аста-секинлик билан яна пасайиши кузатилган.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси**

Жами ҳайдаладиган ерларда суғориладиган ерлаш улушига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқ қилинаётган даврнинг боши ва охирида бир хил қийматга яъни 92,4 фоизга тенг бўлмоқда. Мазкур кўрсаткичда эътибор қаратиш даражасидаги ўзгариш кузатилмаган, унинг вариацион кенглиги 0,4 фоизни ташкил қилмоқда.

Худди юқоридаги тенденциялар жами экин майдонида суғориладиган ерлаш улушида ҳам кузатилди бироқ, ўзига ўзгаришлардан бири бу охириги йилдаги кескин ўсишдир. Яъни улуши 74,8 фоиздан 82,5 фоизгача ошиши таъминланган.



**3-расм. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси**

Келтириб ўтилган кўрсаткичларни Қашқадарё вилоятида ўзгарувчанлиги анча юқори эканлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар ихтиёридаги ерларда ҳайдаладиган ерлар улуши республика кўрсаткичига нисбатан деярли икки баробарга юқорироқ эканлигини кўриш мумкин (3-расмда келтирилган).

Республикадаги ўзгаришдан фарқли равишда жами ҳайдаладиган ерларда суғориладиган ерлар улуши вилоятда пасайиш тенденциясига эга бўлган, 2017 йилга келиб олдинги йилга нисбатан кескин пасайганлигини кузатиш мумкин, кейинги икки йилда секин ўсиш суръати таъминланган. Натижада мазкур кўрсаткич 10,7 фоизга қисқарган. Бошқа томондан эса жами экин майдонларидаги суғориладиган ерлар улуши умумий ҳисобда ўсиш тенденциясига эга бўлган ва кейинги декадада 84,8 фоиздан 92,7 фоизгача ошган. Бироқ мазкур кўрсаткич ўзининг ушбу даврдаги максимал қийматига 2019 йилда эришган бўлиб 95,2 фоизни ташкил қилган.

### Хулосалар

Тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Республикада қишлоқ хўжалигидаги ўсишни таъминлашда деҳқончиликнинг, Қашқадарё вилоятида чорвачилик тармоғининг устуворлиги сақланиб қолмоқда. Бу икки қарама-қаршилик мамлакатда умумий ишлаб чиқариш жараёни турли минтақавий хусусиятли ижтимоий-иқтисодий қонуниятлар таъсири остида шаклланиши мумкинлигини асослайди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришда минтақавий тадқиқотларнинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

2. Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг Республика бўйича таркибий улуши ўсиш тенденциясига эгаллиги минтақада мазкур тармоқни ривожлантириш истиқболли йўналашлардан бири эканлигини билдиради.

3. Қашқадарё вилоятида фермерлик субъектлари фаолиятида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш керак. Мазкур субъектлар улуши чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда паст кўрсаткичга эга бўлсада, уларда ишлаб чиқариш потенциали анча юқори ҳисобланади.

### Адабиётлар

1. Guan Zhengfei. Econometric analysis of agricultural production: New primal perspectives. Integrating Agronomic Principles. American Journal of Agricultural Economics 88 (2006), in press. <https://edepot.wur.nl/121734>

2. Joan García et al. (2020). Constructed wetlands to solve agricultural drainage pollution in South Florida: Development of an advanced simulation tool for design optimization. Journal of Cleaner Production. Volume 258, 10 June 2020, 120868 - <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2020.120868>

3. Song Chengjun et al. (2021). Construction process and development trend of ecological agriculture in China. Acta Ecologica Sinica. Volume 42, Issue 6, December 2022, Pages 624-632 - <https://doi.org/10.1016/j.chnaes.2021.05.004>

4. Monika Gupta et al. (2019). Trends of CRISPR technology development and deployment into Agricultural Production-Consumption Systems. World Patent Information. Volume 60, March 2020, 101944 - <https://doi.org/10.1016/j.wpi.2019.101944>

5. Жураев, Ф. (2021). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболдаги муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштириш. Экономика и образование, (4), 377-385. [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/7647](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7647)

6. Жўраев , Ф. Д., & Аралов, Ғ. М. (2023). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 2(2), 36–43. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1684> DOI [10.5281/zenodo.7702123](https://doi.org/10.5281/zenodo.7702123)

7. Жўраев Ф.Д. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда

худуднинг базавий салоҳиятини аниқлаш жараёнини эконометрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида) //“Бизнес-Эксперт” иқтисодий илмий-амалий журнал. 8(164)-сон. Тошкент 2021 йил.52–58 б

8. Корсун Н.Ф., и друг. Моделирование и оптимизация в агропромышленном комплексе. Учебно- методическое пособие. Минск : БГАТУ, 2019. – 252 с.

9. Akhil Varma; Ajith S. Nath; V Regikumar. An agricultural resources optimization model. 2012 Annual IEEE India Conference (INDICON)/ <https://ieeexplore.ieee.org/document/6420815>

10. Кутбитдинов Ю. Цифровая сельскохозяйствeнная эволюция. Экономическое обозрение, №3 (231), 2019 / <https://review.uz/post/tsifrovaya-selskoxozyaystvennaya-evolyutsiya>

11. Махматкулов, Г. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (қашқадарё вилояти мисолида). Экономика и образование, 23(4), 381-386.

12. Rakhimov, A. N., & Jo‘rayev, F. D. (2022). A Systematic Approach To The Methodology Of Agricultural Development And The Strategy Of Econometric Modeling. *resmilitaris*, 12(4), 2164-2174.

<https://resmilitaris.net/menu-script/index.php/resmilitaris/article/view/2060>

13. Жўраев, Ф. Д. (2021). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ. Инновацион технологиялар, (2 (42)), 92-95.

<https://cyberleninka.ru/article/n/ishlo-h-zhalik-ma-sulotlari-ishlab-chi-arishni-is-a-muddatli-prognozlashtirish>

14. Жураев, Ф. Д. (2021). Econometric modeling of the development and management of agricultural production based on cluster analysis (on the example of the Kashkadarya region). Экономика и предпринимательство,(ISSN 1999-2300), 15(8), 133.

15. Аралов, Ф. М. (2022). Ишлаб чиқаришда енгил саноатининг кластер усули инновацион иқтисодиётнинг асосий йўналиши сифати. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(6), 138–142.

<http://erus.uz/index.php/er/article/view/498> DOI [10.5281/zenodo.7401352](https://doi.org/10.5281/zenodo.7401352)

16. Juraev, F. D. S. (2021). Problems Of Informatization Of Management Of Agricultural Industry And Modeling Of Agriconomic System In A Market Economy. *The American Journal of Applied sciences*, 3(02), 49-54.

17. Махматкулов, Г. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (Қашқадарё вилояти мисолида). Экономика и образование, 23(4), 381-386.

18. Rakhimov, A. N., Makhmatkulov, G. K., & Rakhimov, A. M. (2021). Construction of econometric models of development of services for the population in the region and forecasting them. *The American Journal of Applied sciences*, 3(02), 21-48.

19. Ф.Д.Жўраев, Ғ.М.Аралов Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг илғор жаҳон тажрибаси ва уларни ўзбекистонда қўллаш имкониятлари  
INNOVATIONS IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION VOLUME 2  
ISSUE 8 SJIF 2023: 5.305 ISSN 2181-371X. 264-275 б.  
[WWW.HUMOSCIENCE.COM](http://WWW.HUMOSCIENCE.COM)

20. Аралов Ғ.М. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимининг икки асосий масаласини интеграллашув тамойили асосида ечиш алгоритми. Материалы международной научно - практической конференции. 17 марта 2023 года, г. Нукус часть I, III 27-30 б.

21. JO'RAYEV, F. D. ECONOMETRIC MODELING OF THE DEVELOPMENT AND MANAGEMENT OF AGRICULTURAL PRODUCTION BASED ON CLUSTER ANALYSIS (ON THE EXAMPLE OF THE 584 KASHKADARYA REGION). *ЭКОНОМИКА*, (8), 584-590.

<https://elibrary.ru/item.asp?id=47173980>

22. Ochilov, M. A., Juraev, F. D., Makhmatqulov, G. X., & Rahimov, A. M. (2020). Analysis of important factors in checking the optimality of an indeterminate adjuster in a closed system. *Journal of Critical Review*, 7(15), 1679-1684.